



## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي جَعَلَ الْمُؤْمِنِينَ بِنِعْمَتِهِ إِخْوَانًا وَعَلَى الْخَيْرِ أَنْصَارًا وَأَعْوَانًا، وَالصَّلَاةَ وَالسَّلَامَ عَلَى خَيْرِ  
خَلْقِهِ مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَأَصْحَابِهِ أَجْمَعِينَ أَمَّا بَعْدُ

### БЕМОРЛАРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ – ИНСОНИЙ БУРЧ

**Мухтарам биродарлар!** Аллоҳ таоло инсониятни беҳисоб неъматлар билан сийлаган. Улар орасида инсон учун энг бебаҳоларидан иккитаси – сиҳат-саломатлик ва хотиржамликдир. Дарҳақиқат, бу икки неъматдан баҳраманд бўлиб турганимиз учун меҳрибон Аллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар айтамыз!

Аллоҳ таоло Ўз хоҳиш-иродаси билан баъзи бандасига дард бериб, у сабабли бандаларининг хато-камчиликларини ўчириб, гуноҳларини ювади. Халқимизда “Иссиқ жон, иситмасиз бўлмас” деган нақл бор. Албатта, бу нақл бежиз айтилмаган. Зеро, хасталик гўдакни ҳам, ёшни ҳам, кексани ҳам четлаб ўтмайди. Жумладан, Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деган:

وَلَنَبْلُوَنَّكُمْ بِشَيْءٍ مِّنَ الْخَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِّنَ الْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ وَبَشِّرِ الصَّابِرِينَ  
الَّذِينَ إِذَا أَصَابَتْهُمُ مُصِيبَةٌ قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ ﴿١٥٧﴾ أُولَئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَوَاتٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ  
وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُهْتَدُونَ ﴿١٥٥﴾ (سورة البقرة/الآيات 155-157)

яъни: “Сизларни бироз хавф-хатар, очлик (азоби) билан, молу жон ва мевалар (ҳосили)ни камайтириш йўли билан синагаймиз. (Шундай ҳолатларда) сабр қилувчиларга хушxabар беринг (эй Мухаммад)!” Уларга мусибат етганда: “Албатта, биз Аллоҳнинг ихтиёридамиз ва албатта, биз Унинг ҳузурига қайтувчилармиз”, – дейдилар. Айнан ўшаларга Парвардигорлари томонидан салавот (мағфират) ва раҳмат бордир ва айнан улар, хидоят топувчилардир (Бақара сураси, 155-157 -оятлар).

Бемор кишининг ҳолидан хабар олиб, кўнгил сўраш – мусулмонларнинг вазифаси бўлади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

حَقُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ خَمْسٌ: رُدُّ السَّلَامِ وَعِيَادَةُ الْمَرِيضِ وَاتِّبَاعُ الْجَنَائِزِ وَإِجَابَةُ الدَّعْوَةِ وَتَشْمِيتُ  
الْعَاطِسِ رَوَاهُ " (رواه الامام البخاري والامام مسلم عن أبي هريرة).

яъни: “Мусулмоннинг мусулмон устидаги ҳаққи бешта: саломга алик олиш, беморни кўргани бориш, жанозада қатнашиш, чақирилган жойга бориш,

**аксирган кишига** (“Ярхамукаллоху...”, деб) **жавоб айтиш**” (Имом Бухорий, ва Имом Муслим ривояти).

Ушбу ҳадиси шарифдан ҳам кўришиб турибдики, биз мўмин-мусулмонларнинг бир-биримиздаги ҳақ-ҳуқуқларимиздан бири – касал бўлган яқинларимиз ёки қавму қариндошларимиздан бемор бўлиб қолганларини дарҳол кўргани боришлик экан.

Беморни зиёрат қилиш фазилати ҳақида ҳазрати Али разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар:

"مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَعُوذُ مُسْلِمًا غُدْوَةً إِلَّا صَلَّى عَلَيْهِ سَبْعُونَ أَلْفَ صَلَاةٍ حَتَّى يُمَسِّيَ، وَإِنْ عَادَهُ عَشِيَّةً إِلَّا صَلَّى عَلَيْهِ سَبْعُونَ أَلْفَ صَلَاةٍ حَتَّى يُصْبِحَ، وَكَانَ لَهُ خَرِيفٌ فِي الْجَنَّةِ"  
(رواه الامام الترمذي عن علي كرم الله وجهه).

яъни: **“Бир мусулмон бошқа бир бетоб мусулмонни эрталаб бориб кўрса, албатта, унга кечқурунгача етмиш минг фаришта салавот айтади. Агар кечқурун касални кўрса, унга етмиш минг фаришта эрталабгача салавот айтади. Яна унга жаннатда бир бог яратилади”** (Имом Термизий ривояти). Ушбу ҳадиси шарифдан маълум бўладики, агар бемор учун ноқулай бўлмаса, кечқурунлари ҳам уларни кўриш учун бориш мумкин.

**Азиз мусулмонлар!** Беморларни зиёрат қилиш биринчи навбатда яқин қариндошлардан бошланади. Бу ўз навбатида динимизда буюрилган қариндошлар орасидаги силаи раҳмнинг мустаҳкамлигини таъминлайди.

Беморларни зиёрат қилиш фазилати ва уларнинг қалбига хурсандчилик киргизувчи ҳадислардан бири – қуйидаги ҳадиси қудсий бўлиб, унда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам орқали Аллоҳ таоло бундай дейди:

"إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ يَقُولُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ: "يَا بَنَ آدَمَ مَرِضْتُ فَلَمْ تَعُدْنِي؟" قَالَ: يَا رَبِّ كَيْفَ أَعُوذُكَ وَأَنْتَ رَبُّ الْعَالَمِينَ؟ قَالَ: "أَمَا عَلِمْتَ أَنَّ عَبْدِي فُلَانًا مَرِضَ فَلَمْ تَعُدَّهُ؟ أَمَا عَلِمْتَ أَنَّكَ لَوْ عُدْتَهُ لَوَجَدْتَنِي عِنْدَهُ؟" (رواه الامام مسلم عن أبي هريرة رضي الله عنه).

яъни: “Аллоҳ таоло қиёмат куни бундай дейди: **“Эй одам фарзанди, (нега) мен касал бўлганимда мени кўргани қилмадинг?** Банда эса: “Эй Раббим, ахир Сен оламлар Парвардигорисан, қандай сени кўргани бораман?” Шунда Аллоҳ таоло айтади: **“Сен фалончи бандамнинг касал эканини билиб туриб, нима учун уни кўргани бормадинг? Билмайсанми, агар ўша касални зиёрат қилиш учун олдига борганимда, унинг ҳузурда мени топардинг?”** (Имом Муслим ривояти).

Афсуски, ҳозирги кунда шу нарсаларни гувоҳи бўламанки, баъзи кишилар кексайиб қолган ота-оналари ва яқин қариндошлари, маҳалладошлари, касбдошлари, дўстларини бориб кўриш учун вақт йўқлигини сабаб қилиб, зиёрат қилишга, дуоларини олишга бормадилар. Бу билан кўп савоблардан бенасиб қоладилар. Зеро, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга касал бўлган биродарларимизни зиёрат қилиб, уларнинг дуоларини олишга ундаб шундай деганлар:

"عُودُوا الْمَرْضَى، وَمُرُوهُمْ فَلْيَدْعُوا لَكُمْ، فَإِنَّ دَعْوَةَ الْمَرِيضِ مُسْتَجَابَةٌ، وَذَنْبُهُ مَغْفُورٌ"

(رواه الامام الطبراني والامام البيهقي عن أنس رضي الله عنه).

яъни: **“Беморларни зиёрат қилинглари ва улардан ҳаққингизга дуо қилишларини сўранглари. Чунки касалнинг дуоси фаришталарни дуоси каби мустажобдир ва унинг дуоҳлари кечирилгандир”** (Имом Табароний ва Имом Байҳақий ривоят қилган).

Динимизнинг гўзал ҳикматлари ва Аллоҳ таолонинг биз бандаларига меҳрибончилигини қарангки, биз агар бир бемор биродаримизни кўриш учун борсак, гўёки унинг оғирини енгил ва дардига шифо тилаб қайтамиз ва асосий мақсад шу билан ҳосил бўлади, деб тушуниб қолганмиз. Ваҳоланки, Раҳимли Парвардигоримиз шу савобли ишда ҳам биз бандаларига кўпроқ ажр-савоб топиш ва дуоси мустажоб бўладиган инсонларнинг дуосидан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар қилди.

Улуғ савобларда доим пешқадам бўлган Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анхунинг фазилатларига далолат қилувчи қуйидаги ҳадисда ҳам беморни зиёрат қилиш фазилати ҳақида бундай дейилган:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "مَنْ أَصْبَحَ مِنْكُمْ الْيَوْمَ صَائِمًا؟" قَالَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: "أَنَا"،

قَالَ: "فَمَنْ تَبِعَ مِنْكُمْ الْيَوْمَ جَنَازَةً؟" قَالَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: "أَنَا"، قَالَ: "فَمَنْ أَطْعَمَ مِنْكُمْ الْيَوْمَ

مِسْكِينًا؟" قَالَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: "أَنَا"، قَالَ: "فَمَنْ عَادَ مِنْكُمْ الْيَوْمَ مَرِيضًا؟" قَالَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ

اللَّهُ عَنْهُ: "أَنَا"، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَا اجْتَمَعَنَ فِي أَمْرِي إِلَّا دَخَلَ الْجَنَّةَ"

(رواه الامام مسلم عن أبي هريرة رضي الله عنه).

яъни: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Сизлардан ким бугун рўза тутти?”** – десалар, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анху: “Мен”, – деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Сизлардан ким бугун бирор жанозада иштирок этди?”** – десалар, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анху: “Мен”, – деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Сизлардан ким бугун бирор мискинга таом берди?”** – десалар, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анху: “Мен”, – деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Сизлардан ким бугун бирор беморни кўргани борди?”** – десалар, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анху: “Мен”, – деди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қимда шу барча хислатлар (бир кунда) жам бўлса, у жаннатга қиради”**, – дедилар” (Имом Муслим ривояти).

**Мухтарам жамоат!** Динимизда ҳар бир хайрли ишнинг одоби бўлгани каби, уламоларимиз беморнинг зиёрати бобидаги одобларни қуйидагича санаб берганлар:

- Хасталанган кишининг хузурига кирганда, очик юз, хуш кўнгил, шафқат билан муомала қилинади, унинг юзига синчиклаб қаралмайди, кўп ва қаттиқ овозда гапирилмайди.

- Касал кўриш чоғида беморга дард – Аллоҳнинг бир неъматидир экани, бандани унга сабр қилса, Аллоҳ таоло билиб-билмасдан қилинган гуноҳларни кечиришини айтиб, беморни кўнгли кўтарилади.
- Беморнинг бош-кўзи, манглайи, оёқ-қўлини силаб, яхши сўзлар билан кўнгли кўтарилади, дард вақтинчалик эканини айтиб, тасалли берилади.
- Касал кишининг зиёратига озроқ ҳадя олиб, салом билан кирилади ва унга яқин, иложи бўлса, бош томонида ўтириб, аҳволи сўралади.
- Беморни зиёрат қилиш – Аллоҳ таолони зиёрат қилишга тенглаштирилган, хаста киши гарчи ғайридин киши бўлса ҳам, ҳол сўраш яхшидир.
- Касал бўлган одамни бориб кўришнинг савоби ва фазилати жуда кўп. Беморни зиёрат қилиш, ундан ҳол-аҳвол сўраш, бирор етишмовчилиги бўлса, кўмаклашиб юбориш – мусулмон киши зиммасидаги зарур вазифалардандир.
- Унинг ҳузурда паст овозда, табассум билан гапирилади, “Кўнглингиз нима тилайди?” – деб сўралади. Агар у хоҳлаган нарсасини айтса ва бу унга зарар қилмаса, хоҳ ўзи, хоҳ яқинлари орқали топиб беришга ҳаракат қилинади.
- Бемор ётган уйда кулиш, йиғлаш яхши эмас, ҳар хил кинояли, оғир ботадиган, кўнглига келадиган сўзларни айтилмайди.
- Агар зарурат бўлмаса, касал кўргани кечаси бормаган маъқул, чунки дард одатда кечга бориб кучайиб, беморнинг аҳволи танглашади ёки у чарчаб, оромга шайланган бўлади.
- Касални толиқтириб қўймаслик учун унинг олдида узоқ ўтирилмайди. Ўзининг розилиги бўлса, бир оз ўтириб, кўнглини кўтарувчи ибратли ҳикоялар сўзлаб турилади. Гапи совуқ, бефаросат кишиларни беморнинг ёнига йўлатмаган маъқул.
- Хасталикка чалинган киши ҳам, ўз навбатида, келганларга дарди ҳақида гапириб, ҳикоя қилавермаслиги, фақат сўралгандагина жавоб қайтариши керак. У дарди кучайганида, ўзига ўлим тиламай, Аллоҳдан шифо сўрайди ва шукрона айтади.
- Беморнинг ҳузурдан тураётганда, унинг ҳаққига дуо қилиб, Аллоҳдан шифо сўралади. Имкон бўлса беморни дуоси олинади. Чунки унинг дуоси ижобатдир. Хайрлашишда “Худо хоҳласа, тезда тузалиб кетасиз”, “Дард ҳам бир меҳмон, ҳали соғайиб кетасиз” каби сўзлар билан тасалли берилади.

### ИЛОВА: ҚУРБОНЛИК ҚИЛИШ ФАЗИЛАТИ

Аллоҳ таолога бандани яқинлаштирувчи энг савобли ибодатлардан бири – қурбонликдир. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

"مَا عَمِلَ ابْنُ آدَمَ يَوْمَ النَّحْرِ عَمَلًا أَحَبَّ إِلَى اللَّهِ مِنْ هِرَاقَةِ دَمٍ وَإِنَّهُ لَتَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِقُرُونِهَا وَأُظْلَافِهَا وَأَشْعَارِهَا وَأَنَّ الدَّمَ لَيَقَعُ مِنَ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ بِمَكَانٍ قَبْلَ أَنْ يَقَعَ عَلَى الْأَرْضِ فَطَبِّبُوا بِهَا نَفْسًا" (رَوَاهُ الْإِمَامُ ابْنُ مَاجَهَ وَ الْإِمَامُ التِّرْمِذِيُّ عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا).

яъни: **“Одам боласи қурбонлик кунини қиладиган амалларининг ичида қон чиқаришидан кўра Аллоҳ таолога маҳбуброқ амал йўқ. Қурбонликка**  
*“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”* *Тезис 33-сон, 2019 йил 4*

сўйилган жонивор қиёмат куни ўз шоҳи, туёғи ва юнглари билан келади. Қурбонлик қони ерга тушмай туриб, Аллоҳ таолонинг ҳузурида қабул бўлади. Шунинг учун дилдан чиқариб қурбонлик қилинглар”, – дедилар” (Имом Ибн Можа ва Имом Термизий ривояти).

Қурбонлик қилиш жаҳаннамдан тўсиқлиги ҳақида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар:

"مَنْ ضَحَّى طَيْبَةً بِهَا نَفْسُهُ مُحْتَسِبًا لِأُضْحِيَّتِهِ كَانَتْ لَهُ حِجَابًا مِنَ النَّارِ"

(رَوَاهُ الْإِمَامُ الطَّبْرَانِيُّ عَنْ الْحُسَيْنِ بْنِ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا)

яъни: **“Ким қурбонликни чин кўнгилдан ва савоб умидида қилса, у (қурбонлик) унинг учун дўзахдан парда бўлади”** (Имом Табароний ривояти).

Қурбонлик қилинаётган жонликни биринчи қон томчиси ерга тушиши билан эгасининг гуноҳлари кечирилиши борасида ҳадиси шарифда шундай келади:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِفَاطِمَةَ: " يَا فَاطِمَةُ قُومِي إِلَى أُضْحِيَّتِكَ فَاشْهَدِيهَا فَإِنَّ لَكَ بِأَوَّلِ قَطْرَةٍ تَقْطُرُ مِنْ دَمِهَا أَنْ يُغْفَرَ لَكَ مَا سَلَفَ مِنْ ذُنُوبِكَ"، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، هَذَا لَنَا خَاصَّةً أَهْلَ الْبَيْتِ أَمْ لَنَا وَلِلْمُسْلِمِينَ عَامَّةً؟ قَالَ: "بَلْ لَنَا وَلِلْمُسْلِمِينَ عَامَّةً"

(رواه الإمام الحاكم عن أبي سعيد الخدري رضى الله عنه).

яъни: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Фотима разияллоҳу анҳога: **“Эй Фотима қурбонлигингиз олдида туриб гувоҳ бўлинг. Чунки қурбонлик қонининг биринчи қатраси томиши билан ўтган гуноҳларингиз мағфират қилинади”**, – дедилар. Шунда Фотима онамиз: **“Эй, Аллоҳнинг Расули, бу фақат бизни оиламиз учунми ёки биз ва барча мусулмонлар учунми?”** – дедилар. Шунда У Зот: **“Биз ва барча мусулмонлар учун”**, – дедилар” (Имом Ҳоким ривояти).

Қурбонлик қилишга қодир бўла туриб, жонлиқ сўймаган кишидан Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам хафа бўлиб бундай деганлар:

"مَنْ وَجَدَ سَعَةً لَأَنْ يُضَحَّى فَلَمْ يُضَحِّ فَلَا يَحْضُرُ مُصَلًّاْنَا" (رواه الإمام ابن ماجه والإمام أحمد)

яъни: **“Кимки қурбонлик қилишга имкон топиб, қурбонлик қилмаса, намозгоҳимизга келмасин”** (Имом Ибн Можа ва Имом Аҳмад ривояти).

Шундай экан, имконимиз бўлса, ҳар биримиз бундай буюк савобли ишда бир-биримиз билан мусобақа қилишимиз айти муддаодир.

## ИЛОВА: 2019 йил Қурбон ҳайити куни ва намозининг вақти

**Мухтарам имом-домла!** Ўзбекистон мусулмонлари идораси Олий ҳайъати ҳижрий 1440 йил зулҳижжа ойининг биринчи куни 2019 йилнинг 1 августига тўғри келганини инобатга олиб, жорий йилда Қурбон ҳайитининг

биринчи куни 2019 йил **11 август** (зулҳижжа ойининг 10 куни) якшанба кунига тўғри келиши ҳақида қарор қабул қилди.

Шунга кўра, 2019 йил 11 август якшанба куни Қурбон ҳайити намози Тошкент вақти билан **05:45** да, бошқа жойларда намоз вақтидаги тафовутни инобатга олиб ўқилади.

Аллоҳ таоло Қурбон ҳайити намозини барчамиздан қабул айлаб, бу куннинг шарофати билан юртимизга Ўзининг файзу баракотини ато этсин! Омин!

**Қурбон ҳайити намозини вилоятларда  
ўқиладиган вақтлари ҳақида  
МАЪЛУМОТ**

№	Вилоят	Намоз вақтлари
1.	Андижон вилояти	<b>05:35</b>
2.	Бухоро вилояти	<b>06:10</b>
3.	Жиззах вилояти	<b>05:55</b>
4.	Навоий вилояти	<b>06:05</b>
5.	Наманган вилояти	<b>05:35</b>
6.	Самарқанд вилояти	<b>06:00</b>
7.	Сирдарё вилояти	<b>05:50</b>
8.	Сурхондарё вилояти	<b>06:00</b>
9.	Тошкент вилояти	<b>05:50</b>
10.	Тошкент шаҳри	<b>05:45</b>
11.	Фарғона вилояти	<b>05:35</b>
12.	Хоразм вилояти	<b>06:20</b>
13.	Қашқадарё вилояти	<b>06:05</b>
14.	Қорақолпоғистон Республикаси	<b>06:25</b>

**Эслатма:** Ушбу жадвалда кўрсатилган вақтлар қуёш чиққанидан кейин 15-20 дақиқалик фарқни инобатга олиб белгиланди.